
“Эски Яйпан” маҳалласининг “Латофат” кўчасига янги таянч устунлари ўрнатилди, “Улуғбек” кўчасидаги трансформатор эса таъмирга тортилмоқда

Ўзбекистон тумани “Эски Яйпан” маҳалласи аҳли, хусусан “Латофат” кўчасида яшовчи фуқароларнинг туман ҳокимига билдирган мурожаатлари асосида ҳудудга 14 та янги таянч устунлари тўлиқ ўрнатилди.





Эндиликда эски симёғочлар ўрнидан жой олган мазкур таянчларга тармоқлар тортилиши белгиланган.



Шунингдек, маҳалланинг “Улуғбек” кўчасида жойлашган 7А-сонли трансформатор туман энергетиклари томонидан таъмирга тортилмоқда.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-02-22 17:42:01